

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧАРЫШНИКОВА ОКСАНА СТАНИСЛАВОВНА

**ФИТОЭСТРОГЕН ФЕРУТИНИННИНГ КАЛЬЦИЙГА БОҒЛИҚ
БИОЛОГИК ЭФФЕКТЛАРИ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Чарышникова Оксана Станиславовна

Фитоэстроген ферутининнинг кальцийга боғлиқ биологик эффектлари 3

Чарышникова Оксана Станиславовна

Кальций–зависимые биологические эффекты фитоэстрогена ферутина 20

Charishnikova Oksana Stanislavovna

The calcium–dependent biologically action of phytoestrogen ferutinin 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧАРЫШНИКОВА ОКСАНА СТАНИСЛАВОВНА

**ФИТОЭСТРОГЕН ФЕРУТИНИННИНГ КАЛЬЦИЙГА БОҒЛИҚ
БИОЛОГИК ЭФФЕКТЛАРИ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/B66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Замараева Мария Всеволодовна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хушбақтова Зайнаб Абдурахмановна**
биология фанлари доктори, профессор

Мерзляк Петр Григорьевич
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик модалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262–35–40; факс: (99871) 262–70–63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262–35–40; факс: (99871) 262–70–63, e-mail: asrarov54@mail.ru

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги №____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ш.У.Турдикулова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бевосита биологик мембраналар орқали Ca^{2+} транспортини модуляциялаш ва ушбу кўринишда цитозолда Ca^{2+} концентрациясини ҳамда у билан боғлиқ хужайрада амалга ошувчи фундаментал жараёнлар ва патологик ҳолатларни регуляция қилувчи самарали биологик фаол моддаларни излаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, ўсимликлардан ажратиб олинган бирикмалар Ca^{2+} транспортининг потенциал фармакологик модуляторлари сифатида шубҳасиз, илмий қизиқиш ўйғотади, бу ҳолат уларнинг синтезланган бирикмаларга нисбатан деярли токсик таъсирга эга эмаслиги ва қисман халқ табobati амалиётида кўп асрлардан буён фойдаланилиши билан боғлиқ ҳисобланади.. Ушбу кўринишдаги бирикмалардан бири, *Ferula* авлоди ўсимлигидан ажратилган, ферутинол сесквитерпен спирти ва *n*-оксибензой кислотанинг мураккаб эфири ферутинин ҳисобланади.

Дунё миқёсида илмий тадқиқотлар амалиётида ушбу ўсимлик терпеноиднинг олдин Ca^{2+} -ионофор хусусияти аниқланиши ҳисобига ферутинин биологик мембраналар орқали кальций транспортининг селектив модулятори сифатида фойдаланилади. Ҳозирги кунда дунёда турли хил хужайраларга ферутининнинг таъсири интенсив биологик текширувлари олиб борилмоқда, булар кенг доирадаги биологик таъсирларини, жумладан эстроген, антиостеопороз, про- ва антипролифератив, нейромодуляцияловчи ва апоптозни келтириб чиқарувчи фаоллигини аниқлашга имкон берди. Шу билан бирга, ферутининнинг бундай кенг доирадаги биологик таъсирларининг молекуляр ва хужайра асослари ҳали етарлича ошкор этилмаган.

Ўзбекистонда *Ferula* авлоди ўсимликлари асосида тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора тадбирлар асосида, илмий ва инновацион ишланмаларни самарали амалга ошириш учун барча шароитлар яратилган ва потенциал тиббий маҳсулотлар сифатида *Ferula* авлодига мансуб ўсимликлардан ажратилган биологик фаол моддалар таъсир механизмларини аниқлаш бўйича аниқ натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида “Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш”² йўналишида амалга оширадиган аниқ вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан Ca^{2+} -гомеостази ва Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хомашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ -3617-сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

регуляциясига ферутининнинг таъсир механизмларини батафсил аниқланиши ферутинин асосида дори воситаларини қўллаш доирасини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3617 «Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хомашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарорида ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонида белгиланган устувор вазифаларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» ва VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда биринчи марта *Ferula tenuisecta* ўсимлигидан ЎМКИ да проф. Саидходжаев А.И. раҳбарлигида бир қатор ароматик кислоталарнинг мураккаб эфирлари ажратиб олинган, улардан бири каротан қаторига мансуб бўлган сесквитерпен спирти билан оксibenзой кислотанинг мураккаб эфири - ферутинин ҳисобланади. Ферутининнинг биологик таъсирлари аниқланиши ушбу терпеноидга дунё илмий оммасининг кенг миқёсда катта қизиқиш уйғотишга сабаб бўлган. Шундай қилиб, проф. Мачо (Италия), шунингдек проф. А.Абрамов ва проф. М.Дучен (Англия) раҳбарлигида олимлар гуруҳи томонидан ферутинин турли хил типдаги хужайралар цитозолида кальций концентрациясини ошириши ва митохондрияларда Ca^{2+} тўпланиши ва навбатдаги босқичда ЦсА таъсирида сусайиши қайд қилинувчи деполяризацияни келтириб чиқариши кўрсатилган. Ферутининнинг кенг спектрдаги биологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Bialystok (Польша), Université Libre de Bruxelles (Бельгия), Ferdowsi University of Mashhad (Эрон), The Chinese University of Hong Kong (Гонконг) да амалга оширилмоқда. МДХ давлатларида ҳам ферутининга катта эътибор қаратилади, жумладан проф. Заводник И.Б. ва унинг гуруҳи (Беларусь республикаси) томонидан ферутининнинг ажратиб олинган митохондрияларнинг функционал кўрсаткичларига таъсири ўрганилади. Бироқ, ферутининнинг биологик фаоллик хоссаларини ўрганиш бўйича шубҳасиз, Ўзбекистон олимлари етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда ферутининнинг биологик таъсирларини ўрганиш бўйича олинган натижалар Ўзбекистонда акушер-гинекология амалиётида фойдаланилувчи ва токсик таъсири паст даражада бўлган, канцероген ва тератоген хоссага эга эмаслиги билан тавсифланувчи «Тефестрол» маҳаллий

дори препарати яратилишига олиб келган. Муаллифлар гуруҳи томонидан *Ferula tenuisecta* туридан ажратиб олинган терпеноидлар аралашмаси “Пеноферол” эстроген таъсирининг биостимуляторини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди (Муаллифлик гувоҳномаси №948365, 1981). Ушбу препарат товукларнинг жинсий етилиши ва тухум ҳосил бўлишини тезлаштирувчи, ҳосил бўлувчи сариқликнинг кальцификациялашга ёрдам беради. Проф. Замараева М.В. раҳбарлигида ферутинин электроген Ca^{2+} -ионофор хоссани намоён қилиши ва биологик ва сунъий липид мембраналарнинг Ca^{2+} ионлари учун ион ўтказувчанлигини ошириши аниқланган. Ферутининнинг суяк тўқимасига таъсирини ўрганиш бўйича амалга оширилган кўплаб тадқиқотларда ушбу бирикма суяк тўқимаси структурасининг қайта тикланиши ва эстроген танқислиги шароитида юзага келувчи остеопороз ривожланишининг олдини олиш хусусиятига эгалиги аниқланган.

Ферутининнинг турли хил биологик таъсирларга эгалиги билан боғлиқ ҳолатда ва ушбу таъсирларнинг амалга ошиши механизмига кенг қўламдаги илмий қизиқиш мавжудлигини ҳисобга олиб, ушбу тадқиқот ишининг асосини ферутининнинг Ca^{2+} билан комплекс ҳосил қилишининг физик-кимёвий тавсифларини, унинг Ca^{2+} ни оширувчи ҳамда Ca^{2+} га боғлиқ асосий жараёнларни бошқариш механизмларини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишдан ташкил топган бўлиб, долзарб ва сўзсиз равишда илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Мембранага боғлиқ жараёнларни ўрганиш»; SCOPES Халқаро дастури доирасида IB74A0-110940 «Calcium disregulation as trigger of apoptosis in muscular dystrophy» (2005-2008); шунингдек РФТМҚ томонидан молиялаштирилган лойиҳалар, жумладан шартнома № Ф2.28.5 «Биомембраналарнинг функция бажариш тамойиллари, мембраналарга физиологик фаол моддалар ва физик омилларнинг таъсири»; шартнома ЎзР ФТРМҚ №Ф-4.1.36 «Кальций гомеостази регуляциясининг мембранага оид механизмлари ва ҳайвон ҳужайраларининг энергетик ҳолати»; шартнома №ОТ-Ф3-141 «Сунъий ва биологик мембраналарда наноскопик пораларни шакллантириш, тузилиши ва бошқарилишининг биофизик тамойилларини ўрганиш»; шартнома Ф5-06 «Айрим биорегуляторларнинг таъсир механизмларини ўрганиш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ферутининнинг кальций ионларига нисбатан комплекс ҳосил қилишининг физик-кимёвий тавсифларини баҳолаш ва унинг ҳайвон ҳужайраларидаги асосий Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларга таъсир мезонларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кальций ионлари мавжуд шароитда ферутинин мономолекуляр каватининг юза-фаол хоссаларини тадқиқ қилиш;

кальций ионлари билан комплекс шаклланишида иштирок этувчи ферутинин молекуласининг функционал гуруҳларини аниқлаш;

ферутининнинг Ca^{2+} ни оширувчи таъсир мезонлари ва унинг одам тромбоцитларида кальцийга боғлиқ асосий жараёнларга таъсирини тадқиқ қилиш;

ферутининнинг каламуш аортаси силлиқ мускули қисқаришига таъсирини тадқиқ қилиш;

ферутининнинг каламуш юраги мембраналарида аденилатциклаза фаоллигига таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти зотсиз оқ каламушлардан ажратиб олинган юрак мембраналарининг умумий фракцияси ва аорта фрагментлари ҳисобланади. Тромбоцитлар устида амалга оширилган тажрибаларда донор конидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети ферутинин сесквитерпеноидининг кальций билан комплекс ҳосил қилиш ҳоссаси ва ҳужайра ичида Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларнинг бошқарилишини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида замонавий биокимёвий ва биофизик тадқиқот услубларидан: жумладан, инфракизил спектроскопия; сув/ҳаво ажралиш чегарасида моно-каватларнинг юза хоссаларини баҳолаш учун ленгмюр плёнкалари услуби; Fura-2AM дан фойдаланилган ҳолатда, цитозолдаги кальцийни ўлчашнинг флуориметрик услуби; цитозолдаги кальцийни ўлчаш учун оқим тавсифидаги цитометрия услуби; флуоресцент зондлар ва нишонланган специфик антителолардан фойдаланилган ҳолатда, умумий қон таркибида тромбоцитларда фибриноген ва GPIIb/IIIa рецепторлар экспрессияси; умумий қонда тромбоцитлар агрегациясини ўлчаш импеданс услуби; радиоактив нишонланган [α - ^{32}P]АТФ дан фойдаланган ҳолатда, каламуш юраги мембраналарида цАМФ ни аниқлашнинг хроматографик услуби; механо-электрик қайта ўзгартирувчи трансдусер (механотрон) дан фойдаланилган ҳолатда, каламуш аортаси фрагментларининг изометрик қисқаришини қайд қилиш услубидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ферутинин юза-фаоллик ҳоссасига эга бўлиши ва бу Ca^{2+} ионлари мавжуд шароитда кучайиши, бу эса кальций ионлари мавжуд шароитда ферутинин молекуласи эгаллаган майдоннинг камайиши аниқланган;

кальций ионлари билан комплексларни шакллантиришда иштирок этган ферутинин молекулаларнинг гуруҳлари аниқланган, мураккаб шаклланиш жараёнида ферутинин молекулаларнинг қайта йўналтирилиши модели тақдим этилган;

ферутининнинг тромбоцитларда цитозолдаги кальцийни ошириши ва фибриноген рецепторларни фаоллаштириши Ca^{2+} -ионофор ҳоссасига эгаллигига боғлиқлиги исботланган;

ферутинин-индурцирлаган ҳужайра ичидаги Ca^{2+} мобилизацияси тромбоцитлар дезагрегациясининг механизми аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ca^{2+} билан комплекс ҳосил қилишда иштирок этувчи ферутинин молекуласининг гуруҳлари тавсифланган, ферутинин: Ca^{2+} комплекси 2:1 стехиометрияда фенол гидроксиди кислороди ва бензой кислотанинг мураккаб эфирдаги карбонил гуруҳи кислороди орқали шакллантирилган;

ферутининнинг одам қони тромбоцитларининг функционал кўрсаткичларига таъсири: тромбоцитларда ферутинин таъсирида юзага келтирилган хужайра ичида Ca^{2+} концентрациясининг ортиши GPIIb-IIIa рецепторлар экспрессиясини юзага келтириши исботланган;

ферутининнинг тромбоцитлар агрегациясига таъсир кўрсатмаслиги исботланган;

ферутинин мавжуд шароитда каламуш аортаси фрагментлари қисқаришининг тоник компоненти ўзгариш фазаси унинг Ca^{2+} -ионофор фаоллиги амалга ошиши билан боғлиқ бўлиб, фазали компонентнинг ўзгариши эса, цАМФ миқдори ортиши бўшашиш фазаси унинг эстроген сифатидаги таъсири ҳисобига амалга ошиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор биокимёвий ва биофизик услублардан фойдаланиш билан асосланади. Хулосалар Студент мезонидан фойдаланиш ёки ишончлилиги эҳтимоллиги даражаси $p \leq 0,05$ шароитда OriginPro7.5 (OriginLab Corporation, АҚШ) компьютер дастуридан фойдаланилган ҳолатда вариацион таҳлилдан (ANOVA) фойдаланиш асосида замонавий математик статистика услублари билан қайта ишланган натижалар асосида шакллантирилди. Эксперт мутахассислар томонидан баҳоланиши, олинган натижаларнинг республика ва халқаро миқёсдаги конференцияларда муҳокама қилиниши ҳамда тадқиқот натижаларининг рецензиядан ўтказилувчи илмий журналларда нашр қилиниши олинган натижаларнинг тасдиқланиши сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бу уни илмий тадқиқотларда мембрананинг Ca^{2+} бўйича ўтказувчанлигининг селектив модулятори сифатида фойдаланишга тавсия қилиш имконини берувчи ферутининнинг биологик таъсирларининг унинг мембрана-фаоллиги билан ўзига хос ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланишидан ташкил топган. Олинган натижалар дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек ОЎЮда биофизика ва молекуляр физиологияни ўқитиш амалиётида муваффақиятли тарзда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бу ферутининнинг ушбу ишда тақдим этилган гемаглютинация каскадининг томир-тромбоцитлардаги патологик таъсирининг йўқлиги бўлиб, ферутинин асосида дори воситаларини қўллаш доирасини кенгайтириши ҳисобланади. Ўз навбатида, олинган натижалар фармакология ва даволаш учун катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фитоэстроген ферутининнинг кальцийга боғлиқ биологик эффектлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ферутининнинг комплекс ҳосил қилиш хоссаси ҳақидаги маълумотлар юқори импакт факторга эга бўлган хорижий журналларда бошқа хелаторларнинг Ca^{2+} ионлари билан таъсирлашиши физик-кимёвий комплекс ҳосил қилишини ва ферутининнинг структура-функционал хусусиятларини баҳолашда фойдаланилган (*Desalination*, 2017, V.422(15), ResearchGate, IF-4,98; *Journal of Membrane Biology*, 2018, V.251, N.4, ResearchGate, IF-2,03; *Iraian Journal of Basic Medical Sciences* 2015, V.18(11), ResearchGate, IF-0,70; *Current Medicinal Chemistry* 2018. V.25, ResearchGate, IF-3,09). Натижада хелатор молекулаларнинг Ca^{2+} билан комплекс ҳосил қилиш хоссаларини тавсифлаш имконини берган;

ферутининнинг тромбоцитларда биологик Ca^{2+} -модуляцияловчи таъсири ҳақидаги маълумотлар юқори импакт факторга эга бўлган хорижий журналларда бошқа типдаги хужайраларда Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларни аниқлашда фойдаланилган (*Chemical Research in Toxicology*, 2013, V.26(8), ResearchGate, IF-4,65; *Natural Products & Chemical Researches*, 2013, V.1(3), Directory of Open Access Journals, IF-1,7; *Thrombosis and Haemostasis* 2011, V.106, ResearchGate, IF-4,96). Натижада ферутининнинг антиконвульсант таъсирини, унинг эритроцитларда апоптозни юзага келтирувчи фаоллигини тушинтириш, тамоксифеннинг антиагрегацион фаоллигини таҳлил қилиш имконини берган;

Тромбоцитларда Ca^{2+} -га боғлиқ жараёнларга ферутининнинг таъсири бўйича натижалари «Cayman Chemical» (АҚШ, Мичиган) биотехнологик компанияси томонидан таҳлилий ва экспериментал мақсадлар учун ишлаб чиқарилувчи «Ferutinin» маҳсулотини тавсифлашда фойдаланилган (<http://www.caymanchem.com/product/16554>) («Cayman Chemical» нинг 2018 йил 13 июлдаги маълумотномаси). Натижада экспериментал тадқиқотлар амалиётида ферутининнинг фойдаланиш спектрини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, якуний қисм, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кальций гомеостази ва унинг хужайра функциялари бошқарилишидаги роли»** деб номланган биринчи бобида хужайра функциялари бошқарилишида кальций гомеостазининг роли, хужайраларнинг Ca^{2+} -транспорт тизимлари, уларнинг хужайрада амалга ошувчи жараёнлардаги иштироки ва ўзаро алоқадорликлари ҳақидаги илмий нашрларнинг батафсил шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўсимликлар терпеноидларининг таркиби ва функцияси»** деб номланган иккинчи бобида ўсимлик терпеноидларнинг номенклатураси ва физик-кимёвий хусусиятлари берилган ва *Ferula* туркуми ўсимликларидан ажратиб олинган экстрактларнинг кенг спектрдаги биологик фаолликлари батафсил тавсифланган. Бунда сесквитерпеноид ферутининнинг биологик ва фармакологик хоссаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **«Хужайра ичида Ca^{2+} га боғлиқ жараёнларни ўрганишнинг замонавий физик-кимёвий услублари»** деб номланган учинчи бобида ушбу тадқиқотда фойдаланилган материаллар, услублар, биологик объектларни ажратиб олиш услублари, тажрибалар дизайни ва протоколлари, қурилмаларнинг батафсил тавсифлари келтирилган. Сув/ҳаво чегарасида ферутининнинг мономер молекуляр қаватининг юза-фаол хоссаларини ўрганиш лентмюр плёнкаси услубида амалга оширилди, тензиометр билан олинган маълумотларни қайта ишлаш Nima ST9002 дастуридан фойдаланиб бажарилди. ИҚ-спектроскопия Magna-550 II сериясидаги FT-IR спектрофотометрида (Nicolet Instrument Corporation, АҚШ) ёзиб олинди. Синов намуналари KBr намуналар сифатида тайёрланди, ИҚ-спектрларни ёзиб олиш 2 см^{-1} спектрал рухсат этилиш билан амалга оширилди. Fura-2AM зондидан фойдаланилган ҳолатда цитозолдаги кальций миқдорини ўлчаш LS50B спектрофлуориметрида (Perkin Elmer, Англия) амалга оширилди. Нишонланган селектив антителолар ва флуоресцент зондлардан фойдаланилган ҳолатда қон таркибида тромбоцитларни цитофлуориметрик таҳлил қилиш оқим тавсифидаги LSR II Elite Flow Cytometer цитометрида (Becton-Dickinson, Германия) Becton Dickinson томонидан модификацияланган услуб ёрдамида амалга оширилди (Boncler et al., 2006). Қонда тромбоцитлар агрегацияси Chrono-Log 592 импеданс агрегаторида (Chrono-Log, АҚШ) стандарт протоколга мувофиқ амалга оширилди. (Cardinal and Flower, 1980). Каламушдан ажратиб олинган кўкрак аорта фрагментларининг қисқариш кучи изометрик режимда механотрон

ёрдамида ўлчанди (Кожевникова ва бошқ., 2006). Каламуш юраги мембраналарида цАМФ ҳосил бўлиши радиоактив нишонланган [α - ^{32}P]АТФ дан фойдаланиб, хроматографик услубда аниқланди.

Диссертациянинг «**Ферутининнинг кальций-комплекс ҳосил қилиш хоссасини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида ферутинин: Ca^{2+} комплексининг ҳосил бўлишининг физик-кимёвий тавсифларини ўрганиш бўйича натижалар келтирилган.

Ферутинин молекуласининг сув/ҳаво ажралиш чегарасида адсорбцияланиш хоссасини ўрганиш кўрсатишича, ферутинин юза-фаоллик хоссасига эга ҳисобланиб, сув/ҳаво чегарасида барқарор моно-қават ҳосил қилади, бунда мусбат адсорбцияни ва юза тарангликни 51,48 мН/м га ўзгаришини юзага келтиради, бу қиймат кальций ионлари мавжуд шароитда камайиши кузатилди ва 47,37 мН/м ни ташкил қилди. Олинган натижаларга асосланган ҳолатда изотермалар тузиб чиқилди, ҳисоблашлар Ca^{2+} ионлари мавжуд шароитда битта ферутинин молекуласининг эгаллаган юза майдони уч мартага камайиши ва нисбий юза майдони $3\text{\AA}^2$ га тенг бўлишини кўрсатади, яъни кальций ионлари мавжуд бўлмаган шароитда битта ферутинин молекуласининг эгаллаган юза майдони $9,2\text{\AA}^2$ тенг ҳисобланади, бу ҳолат эҳтимол комплекс ҳосил бўлишида ферутинин молекуласининг фазодаги жойлашиш ҳолати қайта ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.


Ферутининнинг ИҚ-спектрларини (1-расм) таҳлил қилиш кўрсатишича, 3266 см^{-1} ни ташкил қилиши ҳолатида интенсив ютилиш соҳаси $3500\text{--}3200\text{ см}^{-1}$ да унинг спирт гидроксигига нисбатан солиштирилганда қутбланганлик даражаси юқори бўлиши ҳисобига фенол гидроксигининг валент тебранишлари амалга ошади. Пик ҳолатининг силжиши 3400 см^{-1} соҳада бўлиши Н- боғларнинг мавжудлигидан, унинг кенгайиши эса - ушбу Н- боғларнинг молекулалараро ўзаро таъсирлашишларга жалб қилинишидан далолат беради.

Ферутининнинг Ca^{2+} билан комплекси ИҚ-спектрида ферутининнинг ўзининг ҳиссаси устунлик қилади. Ферутининнинг Ca^{2+} билан спектрларида О-Н, С-Н ва С-О боғлар интенсивлигининг ортиши (1-жадвал) спирт гидроксил гуруҳи кислороди ва скелетдаги карбонил гуруҳи кислородининг Ca^{2+} билан комплекс шаклланишидаги иштирокидан далолат беради.

1-жадвал

Ферутинин ва унинг Ca^{2+} билан комплекслари спектрларида О-Н, С-Н ва С-О боғлар интеграл интенсивлиги нисбатлари

	Ферутинин	Ферутинин+ Ca^{2+}
$I_{\text{O-H}}/I_{\text{C-H}}$	0,98	1,57
$I_{\text{C-O}}/I_{\text{C-H}}$	1,27	1,49



1-расм. Ферутинин ва унинг KBr таблеткаларида Ca^{2+} билан комплекси инфрақизил спектрлари. Пастдаги расмда ферутинин ва унинг Ca^{2+} билан 2000 ва 500 cm^{-1} оралиғидаги частота диапазонида комплексининг ИҚ-спектри фрагменти кўрсатилган.

Биз олган тажриба натижаларимиз боғланиш энергияси минимал қийматининг назарий ҳисобланишига асосланган олдин таклиф қилинган ферутинин:кальций комплекси модели билан мос келади (Abramov et al., 2001), ушбу моделга мувофиқ, ферутининнинг иккита молекуласида ферутинол гидроксил гуруҳининг кислороди, *n*-оксибензой кислотанинг карбонил гуруҳи кислороди ва карбоксил гуруҳи кислороди Ca^{2+} иони билан боғланиш ҳосил қилиб, бунда тўртта кучли ва иккита кучсиз боғни юзага келтиради.


Диссертациянинг «**Ферутининнинг одам тромбоцитларида Ca^{2+} гомеостази ва Ca^{2+} га боғлиқ функционал кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш**» деб номланган бешинчи бобида ферутининнинг одам қони тромбоцитларида Ca^{2+} ни оширувчи таъсири, унинг агрегация ва яширин фибриноген рецепторлар экспрессиясига таъсири механизмини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Олдин Jurkat Т-лимфобласт хужайралар линияси культурасида ферутинин L-тип Ca^{2+} -каналларининг очилиши йўли билан, шунингдек ушбу ионларнинг хужайра ичидаги деполардан ажралиши ҳисобига $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит.}}$ миқдорини ошириш хоссасига эгаллиги аниқланган (Macho et al., 2004). Ушбу

йўналишдаги тадқиқотларнинг ривожлантирилиши сифатида биз хужайрада Ca^{2+} -транспорт тизимларининг ингибиторларидан фойдаланиб, ферутининнинг одам қони тромбоцитларида Ca^{2+} ни оширувчи таъсир механизмини аниқладик.

Ушбу тажрибалар сериясида қон тромбоцитлари специфик CD61-PerCP антитело ёрдамида аниқланди, хужайра ичидаги кальций миқдори ичкарига кириб борувчи, Ca^{2+} -сезгир Fluo-3 зондидан фойдаланиб қайд қилинди (2-расм), бунда тромбоцитларда $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит.}}$ миқдорини оширувчи классик индуктор ҳисобланган АДФ дан фойдаланилди.

Олинган натижаларга кўра, ферутинин 50 мкМ концентрацияда тромбоцитларда $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит.}}$ миқдорининг ошиши билан ифодаланувчи классик индуктор ҳисобланган АДФ таъсирига ўхшаш таъсирни юзага келтиради.




2-расм. Ферутинин мавжуд шароитда PerCP (FSC-A) билан бўялган қон тромбоцитлари популяциясида Fluo-3 (FITC-A) флуоресценция интенсивлиги.

Олинган натижаларга кўра, ферутинин 50 мкМ концентрациясида тромбоцит фаоллашувининг классик индуктори – АДФ га ўхшаш таъсир $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит}}$ нинг ошиши билан намоён бўлди. Хужайра ташқарисидagi Ca^{2+} хелатори ҳисобланган ЭГТА мавжуд шароитда АДФ-индуцирланган $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит}}$ ўсиши 37,2±3,0% дан 25,4±2,2% гача камайиши қайд қилинди, ферутинин индуцирланган $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит}}$ ўсиши эса ЭГТА мавжуд шароитда минимал 0,4±1,5% бўлган, ЭГТА сиз муҳитга нисбаттан 13,0±3,0 бўлган (3-расм).

Тромбоцитларнинг плазматик мембранаси орқали АДФ ва ферутинин таъсиридаги Ca^{2+} транспорти механизмига аниқлик киритиш мақсадида биз плазматик мембранада жойлашган Ca^{2+} -каналлари ингибиторларидан фойдаланиб тажрибаларни амалга оширдик.


Тромбоцитларнинг плазматик мембрана Ca^{2+} -каналлари ингибитори - гадолинийум (Gd^{3+}) ионлари (Wieclawska et al., 2001, Treiber et al., 2005), шунингдек депо орқали бошқарилувчи Ca^{2+} -каналлари блокатори - эконазол (Sargeant et al., 1994; Jenner et al., 1996) билан ишлов берилиши ферутинин таъсирида юзага келтирилган $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит.}}$ миқдорининг ортишини фақат

сезиларсиз даражада камайтириши - яъни, мос равишда - $5,6 \pm 0,9\%$ ва $4,3 \pm 1,8\%$ га камайтириши аниқланди.



3-расм. ЭГТА мавжуд шароитда ферутинин ва АДФ нинг одам тромбоцитларида ҳужайра ичидаги Ca^{2+} миқдорига таъсири. Илова: Ферутинин (50 мкМ); АДФ (5 мкМ); ЭГТА (1мМ). I - фарқланишнинг ишончилиги $p \leq 0,05$.

Аксинча, ушбу ингибиторлар мавжуд шароитда АДФ таъсирида юзага келтирилган $[Ca^{2+}]_{цит.}$ миқдорининг ортиши етарли даражада сезиларли камайиши - яъни, мос равишда - $33,5 \pm 1,6\%$ ва $41,6 \pm 1,9\%$ га камайиши аниқланди (4-расм).




4-расм. Плазматик мембрана Ca^{2+} -каналлари блокаторлари мавжуд шароитда ферутинин ва АДФ нинг одам тромбоцитларида ҳужайра ичидаги Ca^{2+} миқдорига таъсири. Илова: ферутинин (50 мкМ); АДФ (5 мкМ); Gd^{3+} (100 мкМ); Eco (эконазол) (50 мкМ)). I - фарқланишнинг ишончилиги $p < 0,05$

Шундай қилиб, ферутинин таъсирида тромбоцитларда Ca^{2+} миқдорининг ортиши унинг плазматик мембранада жойлашган потенциалга боғлиқ ёки депога боғлиқ бошқарилувчи Ca^{2+} -каналларига эҳтимолли мавжуд таъсирига боғлиқ эмас.

Ушбу кўринишда биз эндоплазматик ретикулум Ca^{2+} -АТФазасининг специфик ингибитори - тапсигаргиннинг ферутининнинг Ca^{2+} ни оширувчи эффектига таъсирини ўргандик. Маълумки, тапсигаргин таъсирида дастлаб хужайра ички депосидан Ca^{2+} нинг чиқиши амалга ошади, кейин эса - депонинг бўшаб қолиши билан, ташқи муҳитдан Ca^{2+} ионларининг кириши фаоллашади (Sasaki et al., 1993).

Тромбоцитларнинг олдиндан тапсигаргин билан инкубацияланиши тромбоцитларда $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит.}}$ миқдорининг назоратдаги миқдорига нисбатан $13,4 \pm 0,2\%$ га ортишини юзага келтирди. Тапсигаргин мавжуд шароитда АДФ таъсирида юзага келтирилган $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{цит.}}$ миқдорини оширувчи таъсири $70,7 \pm 7,6\%$ ни ташкил қилди, яъни бунда АДФ юзага келтирувчи таъсир 1,9 мартага ($37,2 \pm 1,8\%$) ортиши қайд қилинди.

Тапсигаргин мавжуд шароитда ферутининнинг Ca^{2+} ни оширувчи таъсири сезиларли даражада паст бўлиб, $28,0 \pm 1,8\%$ ни ташкил қилади, бунда тапсигаргин мавжуд бўлмаган шароитда ушбу қиймат $25,4 \pm 1,1\%$ ни ташкил қилиши қайд қилинади (5-расм).




5-расм. Тапсигаргин мавжуд шароитда ферутинин ва АДФ нинг одам тромбоцитларида хужайра ичидаги Ca^{2+} миқдорига таъсири. Илова: ферутинин (50 мкМ); АДФ (5 мкМ); тапсигаргин (1 мкМ).

Маълумки, Ca^{2+} ионлари тромбоцитларнинг фаоллашишининг турли хил босқичларида, жумладан фибриноген рецепторларнинг экспрессиясида иштирок этиши аниқланган бўлиб (Moro, 2005), биз тадқиқотларда ферутининнинг уларнинг фаоллашиши ва фибриноген билан таъсирлашишига таъсирини аниқладик.

Ферутининнинг қонда тромбоцитларда фибриноген рецепторларнинг фаоллашишига таъсири АДФ нинг таъсирига нисбатан сезиларли даражада

кучсиз ифодаланиши қайд қилинди: яъни, бунда GPIIb-IIIa комплексларнинг фаоллаштирилган шакллари экспрессияланиши ферутинин таъсирида 2,2 мартага ортиши, АДФ учун эса - бу қиймат 3,7 га тенглиги аниқланди (6А-расм).



6-расм. Ферутинин ва АДФ нинг одам тромбоцитларида фибриноген рецепторларининг экспрессияси (А) ва фибриногеннинг фаоллашишига таъсири (Б). Илова: ферутинин (50 мкМ); АДФ (5 мкМ); тапсигаргин (1 мкМ). I - фарқланишнинг ишончлилиги $p < 0,05$.


Ферутинин ва АДФ мавжуд шароитда тромбоцитлар юзасида жойлашган рецепторларга фибриногеннинг боғланишини ўрганишда ўрганилаётган бирикмаларнинг таъсиридаги ўзаро фарқланиш яна ҳам яққол ифодаланиши қайд қилинди. Шундай қилиб, бунда АДФ назоратга нисбатан фибриногеннинг боғланишини 5,11 мартага ошириши, ферутинин эса - 1,8 мартага ошириши аниқланди, бироқ унинг таъсири статистик ишонарли даражада бўлмаслиги қайд қилинди (6Б-расм).

Одам қони тромбоцитлари агрегацияси бўйича тажрибаларда АДФ таъсирида юзага келтирилган ва мусбат назорат сифатида қабул қилинган тромбоцитлар агрегацияси $90,1 \pm 2,5$ шартли бирликни ташкил қилиши аниқланди, шунингдек ферутинин учун ушбу қиймат бор-йўғи $8,3 \pm 0,6$ ни ташкил қилиши қайд қилинди.

Шундай қилиб, биз тадқиқотларда ферутинин тромбоцитларнинг ички қисмида Ca^{2+} миқдорини ошириши, тромбоцитларда GPIIb/IIIa рецепторларнинг фаол шакллари экспрессияланишини юзага келтириши, бироқ уларни агрегациясини юзага келтирмаслигини аниқладик.

Диссертациянинг «Ферутининнинг силлик мускулларнинг қисқариш ҳолатига таъсирини ўрганиш» деб номланган олтинчи бобида ферутининнинг каламушдан ажратиб олинган кўкрак аортаси фрагментларининг изометрик қисқаришига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Биз тадқиқотларда ферутинин фақат Ca^{2+} ионлари мавжуд

шароитдагина каламуш аортасида дозага боғлиқ қисқаришни юзага келтиришини аниқладик. Шундай қилиб, ферутинин 30, 60 ва 90 мкМ концентрацияларда аорта қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда - $3 \pm 0,04\%$, $32,12 \pm 1,6\%$ ва $58,1 \pm 3,4\%$ га ошириши аниқланди.



7-расм. Ферутининнинг каламуш аортаси фрагментлари изометрик қисқариш фаоллигига муҳитда Ca^{2+} ионлари мавжудлигига боғлиқ таъсири.

Препаратни ювиб турган эритма таркибида Ca^{2+} ионлари мавжуд бўлмаган шароитда ферутинин максимал фойдаланилган концентрацияда (90 мкМ) каламуш аортасининг изометрик қисқаришига таъсир кўрсатмади. Бироқ, аорта фрагментларини ювиб турувчи эритмани таркибида 2,5 мМ CaCl_2 мавжуд бўлган ювиб турувчи эритмага ўрин алмаштиришдан кейин, ферутинин (90 мкМ) томирнинг қисқариш кучи кескин ортишини келтириб чиқариши аниқланди (7-расм). Тезкор тавсифдаги фаза қисқаришнинг муҳитда Ca^{2+} ионлари мавжудлигига қатъий тарздаги боғлиқлиги сўзсиз равишда, ферутининнинг Ca^{2+} -ионофор фаоллиги амалга ошиши билан боғлиқ ҳисобланади. Ферутинин таъсирида барча ўрганилган концентрациялар диапазонида юзага келтирилган аорта фрагменти қисқаришидан кейин томирнинг бўшашиш фазаси нисбатан секин амалга ошиши кузатилди. Бунда биз кузатган ферутининнинг релаксацияга таъсирида эҳтимоллиги мавжуд механизмлардан бири - ҳужайра ичида цАМФ миқдорининг ортиши бўлиши мумкин. Шунини қайд қилиш керакки, классик эстроген ҳисобланган 17β -эстрадиол каламуш ўпка артериясида айнан эстроген орқали аденилатциклаза фаоллашиши ва ҳужайра ичида цАМФ миқдори ортиши ҳисобига релаксацияни келтириб чиқариши аниқланган (Farhat et al., 1996).

Юқорида келтирилган маълумотларга боғлиқ ҳолатда, бизнинг тадқиқотларимизнинг навбатдаги босқичи ферутининнинг каламуш юраги мембраналари препаратида аденилатциклаза фаоллигига таъсирини ўрганишдан ташкил топди. Бунда ферутинин мавжуд шароитда аденилатциклазанинг фаоллашган ҳолатда бўлиши ҳақида $[\alpha\text{-}^{32}\text{P}]\text{цАМФ}$ ҳосил бўлиши бўйича хулоса чиқарилди. Биз тақиқотларда ферутинин 50, 75 ва 100 мкМ концентрацияларда мембранада дозага боғлиқ ҳолатда аденилатциклаза фаоллашишини юзага келтиришини аниқладик, яъни бу

қиймат 100% деб қабул қилинган назоратга нисбатан мос равишда - $129,5 \pm 6,8\%$, $174,9 \pm 11,0\%$ и $263,8 \pm 14,0\%$ га тенг бўлиши аниқланди. Биз олган маълумотлар ферутинин таъсирида цАМФ микдорининг ортиши аортанинг бўшашишидаги роли ҳақидаги тахминимизни тасдиқлайди. Эҳтимол, айнан ушбу механизм ферутининнинг хужайра ички қисмида Ca^{2+} миқдори юқори бўлган шароитдаги дезагрегацияни келтириб чиқарувчи таъсири асосида ётиши мумкин.

Ушбу тадқиқот доирасида биз ўсимлик терпеноиди ферутининнинг Ca^{2+} -ионофор фаоллиги ва ҳайвон хужайраларида Ca^{2+} гомеостази ҳамда Ca^{2+} га боғлиқ айрим жараёнларнинг алоҳида ҳалқаларига эстрогенга ўхшаш таъсирини ўргандик.

ХУЛОСАЛАР

1. Ферутинин Ca^{2+} ионлари сув/ҳаво чегара фазаси битта ферутинин молекуласига тўғри келувчи юза майдоннинг камайиши билан биргаликда мусбат адсорбция билан ифодаланувчи барқарор ҳолатдаги моно-қатламни шакллантиради.

2. Эркин ферутинин молекуласи 4-гидробензой кислотанинг водород боғлари бўйича димеризацияланади. Ca^{2+} ионлари билан комплекснинг шаклланиши ферутинин молекуласининг фазода параллел ва анти-параллел тавсифда қайта жойлашиши ҳисобига водород боғларининг бузилиши билан спиртнинг гидроксил гуруҳидаги кислород, мураккаб эфирнинг карбонил гуруҳидаги кислород ва бензой кислотанинг карбоксил гуруҳидаги кислород орқали амалга ошади.

3. Ферутинин-индуцирланган Ca^{2+} -ионофор хоссаси амалга ошиши натижасида тромбоцитларда цитозолдаги кальцийни оширади ва тромбоцитларнинг фибриноген рецепторлари ва каламушнинг дозага боғлиқ аорта қисмларининг қисқарилиши фаоллашишини юзага келтиради.

4. Ферутинин, эстрогенга ўхшаш эффектни амалга ошириб, аденилатциклаза фаоллигини рағбатлантиради, чунки бу каламушнинг юрак мембраналарда цАМФ концентрациясининг доза-боғлиқлигинини ортиши изохлаб беради.

5. Ферутинин иштирокида цАМФ концентрацияси ўсиши бу модда билан индурцирланган хужайра ичидаги Ca^{2+} мобилизация қилиш шароитида тромбоцит агрегацияси самарасининг йўқлигини изохлаб беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЧАРЫШНИКОВА ОКСАНА СТАНИСЛАВОВНА

**КАЛЬЦИЙ-ЗАВИСИМЫЕ БИОЛОГИЧЕСКИЕ ЭФФЕКТЫ
ФИТОЭСТРОГЕНА ФЕРУТИНИНА**

03.00.02-Биофизика и радиобиология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B66.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Замараева Мария Всеволодовна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хушбакова Зайнаб Абдурахмановна
доктор биологических наук, профессор

Мерзляк Петр Григорьевич
доктор биологических наук

Ведущая организация:

Ташкентский Фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальный университет Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871)262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер №.....). (Адрес: 10 0125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2018).

Ш.И.Салихов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

М.И.Асраров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Ш.У.Турдикулова

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире остается актуальной проблема, направленная на поиск эффективных биологически-активных соединений, способных прямо или опосредованно модулировать транспорт Ca^{2+} через биологические мембраны, регулируя, таким образом, концентрацию цитозольного Ca^{2+} и связанные с ним фундаментальные клеточные процессы и патологические состояния. В этой связи, несомненный научный интерес представляют соединения растительного происхождения как потенциальные фармакологические модуляторы транспорта Ca^{2+} , что обусловлено практическим отсутствием у них токсичности по сравнению с синтезированными соединениями и зачастую - многовековым опытом использования в народной медицине. Одним, из таких соединений является ферутинин - сложный эфир ферутинола и п-оксибензойной кислоты, изолированный из растений рода *Ferula*.

В мировой научно-исследовательской практике растительный терпеноидферутинин нашел применение как селективный модулятор транспорта кальция через биологические мембраны, благодаря ранее обнаруженным Ca^{2+} -ионофорным свойствам данного соединения. В настоящее время в мире ведутся интенсивные исследования биологических эффектов ферутинина на разных типах клеток, которые позволили обнаружить широкий спектр биологических эффектов данного соединения, включая эстрогенную, антиостеопорозную, про- и антипролиферативную, нейромодулирующую и апоптоз-индуцирующую активности. Вместе с тем, молекулярные и клеточные основы столь широкого круга биологических эффектов ферутинина все еще остаются недостаточно раскрытыми.

